

МАЖБУРИЙ СУҒУРТАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Ҳамраева Ф.

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Кафедра ўқитувчиси*

Суғуртанинг мажбурий шаклига эҳтиёж унинг катта ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини билан изоҳланади. Мажбурий суғуртанинг айрим турлари мамлакат аҳолисининг кўпчилигини кўшимча ижтимоий ҳимоя билан таъминлайди. Масалан, иш берувчиларнинг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, бунинг мажбурийлиги меҳнат ресурсларининг такрор ишлаб чиқариш барқарорлигини ошириш, меҳнатда етказилган зарарларни қоплашга қаратилган ижтимоий жараёнларни ривожлантириш ва тартибга солишнинг энг муҳим механизмларидан бири ҳисобланади.

Мажбурий суғурта турларининг ривожланиши суғурта хизматлар бозорининг асосий ташкил этувчиси сифатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг кўшимча молиялаштириш масалаларини ҳал қилишга қаратилган бўлиб, иқтисодиётда барқарорликни таъминлайдиган муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари мажбурий суғурта турларининг тўлиқ ва иқтисодий жиҳатдан мутаносиб ривожланиши хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида суғурта маданиятининг ўсишига, бу эса ихтиёрий суғурта турларини ривожланишига олиб келади [1-20].

Мажбурий суғурта бугунги кунда молиявий ривожланаётган бозорларда суғурта бозорини ривожлантириш учун катализатор вазифасини бажариб келмоқда. Суғурта механизми мамлакатда иқтисодий барқарорликни қўллаб-қўватлашнинг муҳим тизимидир, сабаби у давлат харажатларини, шу жумладан табиий ва бошқа офатлар қурбонларига етказилган зарарларни қоплаш нуқтаи назаридан давлат бюджетига тушадиган оғирликни пасайтиради.

Мажбурий суғурта тизимини ҳозирги кунда юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта мукофотлари орқали суғурта фондларини шакллантиришни ва кейинчалик суғурта ҳодисалари натижасида етказилган зарарни қоплаш учун фойдаланишни назарда тутадиган кафолатлар ва инқирозга қарши чоралар билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими сифатида кўриб чиқилиши керак. Бунда суғурталашнинг роли ва аҳамияти кўйидаги асосий объектив сабабларга кўра ортиб боради:

– ҳар йили ўз-ўзидан пайдо бўладиган ва техноген хусусиятга эга бўлган турли хил фавқулодда вазиятларнинг юз бериш частотаси ва улар оқибатларининг жиддийлиги ошиб бормоқда;

– илмий ва техник ютуқларнинг ўсиши туфайли рисклар сони ортиб бормоқда, улар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқариш ва миинималлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмаган;

– иқтисодиётнинг бозор моделлари ва хўжалик муносабатларининг мураккаблиги молия бозорида янги тадбаркорлик рискларининг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда;

– йилдан-йилга аҳолининг ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ иқтисодий муаммолар ошиб бормоқда.

Ҳозирга кунда тез суръатлар билан ривожланиб келаётган Ўзбекистон учун мажбурий суғурта тизимига бўлган объектив эҳтиёж қўйидаги омиллар билан боғлиқдир:

– Фавқулодда ҳолатлар юзага келганда давлат ёрдамидан фойдаланиш имконияти жуда чекланган, сабаби ижтимоий дастурлар учун молиявий ресурслар миқдори чекланганлигидир;

– деярли барча ишлаб чиқариш тармоқларида эскирган технологиялар ва асосий воситалар ишлатилмоқда, бу эса ўз навбатида хавфсиз меҳнат жараёнини ва атроф-муҳитга зарар етказмаслик кафолатини бермайди.

Ҳозирги босқичда мажбурий суғурта турларини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат бўлиши керак:

– Суғурта хизматлар бозорида мажбурий суғурталашнинг қонуний базасини шакллантириш;

– мажбурий суғурталашнинг услубиётини ривожлантириш;

– суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишнинг самарали механизмларини яратиш;

– хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда миллий суғурта тизимини халқаро суғурта бозорига интеграциясини таъминлаш.

Миллий суғурта бозорида ҳозирги кунда амалга оширилаётган мажбурий суғуртани таҳлил қилиш ва хусусиятларини ўрган ҳолда қўйидаги камчиликларни аниқлаш имконини берди:

1) суғурта компанияларининг фаолиятидаги ҳудудий номутаносиблик;

2) давлат томонидан назорат қилишнинг деярли йўқлиги ёки сустлиги;

3) бозорда ҳудудий суғурта компанияларнинг йўқлиги.

Мажбурий суғуртани ривожлантириш учун қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– аҳоли манфаатларига максимал даражада жаваоб берадиган суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

– аҳолининг суғурта компанияларига бўлган ишончи ошишига олиб келадиган максимал даражада ошқоролик сиёсатини олиб бориш;

– мажбурий давлат суғуртаси устидан ҳар томонлама назоратни таъминлаш, бунда назорат ҳам ички ва ташқи бўлиши керак;

– қонунчилик базасини такомиллаштириш (солиқ имтиёзларини бериш, соддалаштириш), суғуртанинг устувор турларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш;

– мажбурий суғурталашнинг ахборот алмашиш каналларини такомиллаштириш, суғурталанувчилар ва жабрланганларнинг ягона базасини яратиш, бу суғурта компаниялари ўртасида маълумот алмашишни тезлаштиради ва фирибгарлик ҳолатларини кузатиш имконини беради;

– мавжуд ва янги ишлаб чиқарилаётган суғурта маҳсулотларини рекалама қилиш ишларини яхшилаш, суғурта дастурларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларни кенг тарғиб қилиб бориш.

Адабиётлар рўйхати:

1. Abdurakhmonov I. (2020), "Regulation of the insurance market and implementation of effective mechanisms of prudential control", *International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 2, Article 10*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/10>
2. Abdurakhmonov I. (2020), "Methods and approaches to evaluating the insurance industry efficiency", *International Finance and Accounting* 2020(3), 7.
3. Abdurakhmonov I., PhD, (2020), "Impact of insurance services on the development of real sector enterprises. *International Finance and Accounting*", 2020(6), 7.
4. Абдурахмонов И. (2022). Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболлари. *Мoliya va bank ishi*, 8(1), 95–99. Retrieved from <https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/82>.
5. Abduraxmonov I. (2022). *Sug'urta sohalarining shakllanish tendensiyalari. Moliya va bank ishi*, 8(3), 60-67.
6. Ilyas A. (2018). *Insurance market analysis methods: case-study from Uzbekistan. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research*, 7(1), 59-68.
7. Abduraxmonov I., Abduraimova M., & Abdullayeva N. (2018). *Sug'urta nazariyasi va amaliyoti. O'quv qo'llanma. Toshkent. "Iqtisod-moliya"*.
8. Ilyas A. (2018), "Competition in the insurance market of Uzbekistan", *Asian journal of management sciences & education*, 7(2), 56-61.
9. Khurshidovich A. I. (2021). *Issues of innovative development of insurance in Uzbekistan. International Journal of Management IT and Engineering*, 11(7), 91-96.
10. Abdurahmonov I. (2020). *Efficiency of organizing the activities of insurance intermediaries in the development of insurance sector. International Finance and Accounting* 2020(1), 5.
11. Abdurakhmonov I. (2020) "Prospects for applying new marketing technologies in the insurance industry," *International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 4, Article 6*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/6>.
12. Абдурахмонов, И. Х. (2023). *Ўзбекистон Республикасида суғурта тармоқларини ривожлантиришнинг концептуал асослари. Автореферат дисс. и. ф. д*, 78.
13. Абдурахмонов, И. Х. (2010). *Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш. Автореф. дисс. и. ф. н*, 26.
14. Абдурахмонов, И. Х. (2018). *Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Т.: "Иқтисод-Молия" навириёти*, 23-24.
15. Абдурахмонов, И. (2020). *Суғурта бозорини тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизмларини жорий этиш, "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали*, 2.
16. Абдурахмонов И. Х. (2019). *Теория и практика страхования. Учебник/–Т. Иқтисод молия*, 353-354.
17. Ilyos A. (2019). *Fair tariff policy in insurance: Theory and methods of calculation. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research*, 8(2), 20-27.

18. Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида янги рақобат кўринишлари: назарий асос ва иқтисодий таҳлил. “Moliya va bank ishi” илмий журнал. №2, 145-150 б.

19. Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболлари. “Moliya va bank ishi” илмий журнал. №1, 95-99 б.

20. Абдурахмонов И.Х. (2020) Суғурта соҳасида маркетингнинг янги технологияларини қўллаш истиқболлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. №4, 1-10 б.

INVESTITSIYA HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH MUAMMOLARI

Muzrapova Shahnoza

Termiz iqtisodiyot va servis universiteti

“Moliya va statistika” kafedrası o‘qituvchisi

Bugungi kunda biznesni muvaffaqiyatli yuritish uchun qulay sharoitlar yaratilgan. Aslida, har qanday biznesni ma’lum mablag‘larni investitsiya qilish va investitsiyalar qandaydir daromad keltirishini kutish jarayoni deb hisoblash mumkin. Bunday operatsiyalar yuqori moliyaviy natijalarga erishish istiqbollari bilan birgalikda korporativ munosabatlarni o‘rnatish imkoniyatini beradi. Kompaniya mavjud pul mablag‘larini ko‘chmas mulkka investitsiya qilganda, bunday investitsiyalar o‘ziga xos aktiv turi - investitsiya mulki sifatida tasniflanadi.

Investitsion mulk - bu korxonaning biznes faoliyatida foydalanishi yoki oddiy biznes jarayonida sotish uchun kutilmaydigan ko‘chmas mulkka investitsiya. U moliyaviy ijara (lizing) shartnomasi bo‘yicha mulkdor yoki lizing oluvchining ixtiyorida bo‘lgan, ijara to‘lovlarini olish uchun foydalaniladigan, mulk qiymatini oshirishdan olinadigan daromadlar, lekin ijaraga olinmagan yer uchastkalari, binolar yoki binolarning qismlarini o‘z ichiga oladi. [1].

Qayta tasniflash bilan bog‘liq masalalar bir-biri bilan chambarchas bog‘liq bo‘lib, ular tasniflash bilan birga ko‘rib chiqiladi, investitsiya mulkini tasarruf etishni hisobga olish tamoyillari asosiy vositalarga nisbatan qo‘llaniladigan prinsiplardan sezilarli darajada farq qilmaydi, lekin birinchi navbatda, biz investitsiya mulkini umuman hisobga olish nuqtai nazaridan buxgalteriya hisobi milliy standartlarini (bundan buyon matnda BHMS deb yuritiladi) Xalqaro moliyaviy hisobot standartlari (keyingi o‘rinlarda MHXS) bilan uyg'unlashtirish jarayoniga xos bo‘lgan muammolarni ko‘rib chiqamiz.

Investitsion mulkni hisobga olish va hisobot berishga yondashuvlarni tartibga soluvchi asosiy standart 40-MHXS “Investitsiya Mulki” bo‘lib, mavjud MHXSni takomillashtirish loyihasi doirasida o‘zgartirilgan. Standartning yangi versiyasi 2005 yil 1-yanvardan kuchga kirdi. Agar tashkilot ushbu sanadan oldin standartning o‘zgartirilgan qoidalarini qabul qilishga qaror qilsa, moliyaviy hisobotga izohlar ushbu standartning ilgari qabul qilinganligini aks ettirishi va o‘zgartirilgan moddalarning oldingi tahririga muvofiq qanday hisobga olinishini ochib berishi kerak. 2009 yil 1-yanvardan boshlab 40-MHXS ga ham o‘zgartirishlar kiritildi [4].